

**Риёзус-солиҳин дарслари**  
**Муайян сура ва оятларга тарғиб қилиш**  
**ҳақидаги боб**

[ Ўзбекча ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

**Мухарир: Шамсиддин Дарғомий**

*islamhouse.com* нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

## باب في الحث على سور وآيات مخصوصة

### Муайян сура ва оятларга тарғиб қилиш ҳақидаги боб

عن أبي سعيدٍ رافع بن المعلى رضي الله عنه قال : قال لي رسول الله صلى الله عليه وسلم : ألا أعلمك أعظم سورةٍ في القرآن قبل أن تخرج من المسجد ؟ فأخذ بيدي، فلما أردنا أن نخرج قلت: يا رسول الله إنك قلت: لأعلمنك أعظم سورةٍ في القرآن ؟ قال : الحمد لله رب العالمين هي السبع المثاني والقرآن العظيم الذي أوتيته رواه البخاري.

Абу Сабийд Рофеъ ибн Муъалло розияллоху анху: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга: "Масжиддан чиқишингдан олдин Қуръондаги энг буюк сурани ўргатмайми"-дедиларда, кўлимдан ўшладилар. Чикмоқчи бўлганимизда: Эй расулulloҳ! "Сенга Қуръондаги энг буюк сурани ўргатаман."-деган эдингиз-дедим. Шунда: "Алҳамдулилаҳи Роббил ғаламийн у сабъул масоний ва менга берилган буюк Қуръондир."-дедилар. *(Бухорий ривояти)*

Шарҳ:

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўз саҳобаларига қолаверса, барча умматларига бўлган меҳрибонликлари, куюнчакликлари ва уларга динундунёларига тегишли ҳар бир нарсани ўргатишга ҳарис эканликлари очик- ойдин кўриниб турибди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам бу сурани "Сабъул- масоний", деб атадилар. Яъни, бу доим такрорланувчи етти оят деган мазмунни англатади. Оллоҳ таъоло Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга хитоб қилиб: "*(Эй Муҳаммад алайҳис-солату вас-салом)* дарҳақиқат, Биз Сизга етти такрорланувчини ва Улуғ Қуръонни ато этдик", дейди. Яъни Оллоҳ таъоло ушбу улуғ сурани "Қуръон"нинг ёнида алоҳида таъкидлаб айтади. Такрорланувчи дегани, ҳар ракаат намозимизда такрорланиб турганлиги сабаблидир. Баъзи уламолар бу сура икки марта; авваламбор Макка шаҳрида, сўнг Мадина шаҳрида нозил қилинганлиги учун такрорланувчи деган номга эга бўлган дейишган. Баъзилари эса, бу сура ҳамду-сано ва дуони ўз ичига олганлиги учун "Масоний" деб номланган дейишган экан. Яна баъзилари "Сабъул масоний"дан мақсад Қуръони каримнинг аввалидаги еттита узун сура дейишган. Етти оятдан иборат бу сура Маккада нозил бўлган. У «Фотиҳа», яъни «Очувчи сура» деб аталади. Қуръондаги сураларнинг жойлашиш тартибида аввалги ўринда тургани ва қисқа бўлишига қарамасдан

Қуръоннинг асосий маъно-моҳиятини ўзида мужассам этгани учун ҳам у Қуръон мазмунини «Очувчи» деб номланган.

Бу сурада ягона Оллоҳга бўлган эътиқод, Унинг Ўзигагина ибодат қилиш, Охират Куни борлигига ишониш, ёлғиз Оллоҳнинг Ўзидан мадад-ёрдам сўраш, ҳақ дин ва тўғри йўлни Унинг Ўзигагина кўрсата олишига иймон келтириш каби Ислом динининг асосий талаблари ўз аксини топган. Шунинг учун бу сурани «Уммул-Қуръон» — «Қуръоннинг онаси — асли» деб ҳам атайдилар. Оллоҳ таъоло айтадики:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ (1) الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ (2) الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ (3) مَا لِكِ یَوْمِ الدِّیْنِ (4)

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан (*бошлайман*). Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (*Қиёмат*) Кунининг эгаси — подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир.

И з о х. *Мақтов-олқишига ҳақдор бўлиш учун башар оламига подшоҳ бўлишининг ўзигагина кифоя қилмайди. Балки коинотдаги барча сайёралар ва улардаги бор жонли-жонсиз мавжудотнинг ҳаммаси устидан илму ҳикмат ва раҳм-шафқат билан эгалик қиладиган, бундан ташқари, Охиратдаги ҳисоб-китоб Кунида ҳам ягона подшоҳ бўлган Оллоҳ таолонинг Ўзигагина ҳамду санога лойиқ зотдир.*

إِیَّاكَ نَعْبُدُ وَإِیَّاكَ نَسْتَعِیْنُ (5) اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِیْمَ (6) صِرَاطَ الَّذِیْنَ أَنْعَمْتَ عَلَیْهِمْ غَیْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَیْهِمْ وَلَا الضَّالِّیْنَ (7)

Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз. (*Яъни, Сендан ўзганинг олдида бошимизни эгмаймиз ва Сендан ўзгага ёрдам сўраб илтижо ҳам қилмаймиз*). Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан.

И з о х. *Мазкур зотлар — барча пайгамбарлар, ҳақиқий иймон-эътиқод эгалари ва ўз ақидалари йўлида жонларини фидо қилган кишилардир*. Бу сурани иймон ва ихлос билан касал кишига ўқилса, Оллоҳ таъолонинг хоҳиши билан у шифо топади.

وعن أبي سعيدٍ الخدری رضی اللہ عنه أن رسول اللہ صلی اللہ علیہ وسلم قال فی: قل هو اللہ أحد: والذي نفسي بيده، إنها لعدل ثلث القرآن.

وفي رواية: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال لأصحابه: أيعجز أحدكم أن يقرأ بثلاث القرآن في ليلة فشق ذلك عليهم، وقالوا : أينا يطيق ذلك يا رسول الله : فقال: قل هو الله أحد، الله الصمد: ثلث القرآن رواه البخاري.

Абу Саъийд ал Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам (Кул хуваллоху аҳад) сураси ҳақида: "Жоним қўлида бўлган зотга қасамки бу сура Қуръоннинг учдан бирига тенг келади."- деган эканлар.

Бошқа ривоятда эса: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларига: "Биронгаларингиз бир кечада Қуръонни учдан бир қисмини ўқишдан ожизми?"- деганларида бу нарса уларга қийин туюлиб: "Қайсимизнинг бунга кучи етади ?!"- дейишди. (*Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам*): " Кул хуваллоху аҳад Аллоҳус Сомад Қуръоннинг учдан биридур."-дедилар. (*Бухорий ривояти*)

وعنه أن رجلاً سمع رجلاً يقرأ : قل هو الله أحدٌ يرددّها فلما أصبح جاء إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، فذكر ذلك له وكان الرجل يتقاهما فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم : والذي نفسي بيده، إنها لتعدل ثلث القرآن.

رواه البخاري.

Яна Абу Саъийд ал Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича: Бир киши бошқа кишини (Кул хуваллоху Аҳад)ни такрорлаб ўқиётганини эшитиб қолди. Тонг отгач келиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга бу воқеани гўёки оз санагандек зикр қилди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: " Жоним қўлида бўлган зотга қасамки бу сура Қуръоннинг учдан бирига тенг келади."-дедилар. (*Бухорий ривояти*)

وعن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال في : قل هو الله أحدٌ: إنها تعدل ثلث القرآن. رواه مسلم.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам (Кул хуваллоху Аҳад) ҳақида: "Бу сура Қуръоннинг учдан бирига тенг келади ."- деган эканлар. (*Муслим ривояти*)

وعن أنسٍ رضي الله عنه أن رجلاً قال : يا رسول الله إني أحب هذه السورة : قل هو الله أحدٌ، قال: إن حبها أدخلك الجنة. رواه الترمذي وقال: حديثٌ حسن. ورواه البخاري في صحيحه تعليقاً.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича бир киши: Эй Расулulloҳ! Мен мана бу "Қул хуваллоҳу Аҳад" сурасини севаман-деди. (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Уни севишинг сени Жаннатга киргизибди."- дедилар.

*(Термизий ривоят қилиб: ҳасан ҳадис деган ва Бухорий ўз "Саҳиҳи"да муъаллақ ҳолда ривоят қилган)*

Шарҳ:

Юқорида ўтган ҳадисларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ихлос сурасининг нақадар буюк ажрга эга эканлигини баён қилмоқдалар. Оллоҳ таъоло бу улуғ сурада фақат ўзининг исм ва сифатларини зикр қилганлиги учун у "Ихлос" сураси деб аталади. Бу сура тўрт оят бўлиб, Маккада нозил қилинган. Бу буюк сура мўминларга Оллоҳ таолони қандай танишни ва У зотга қандай ихлос-этиқод қилишни ўргатади. Бу сура бир гуруҳ Макка мушриклари пайғамбар алайҳис-салом хузурларига келишиб, Оллоҳнинг таъриф-тавсифини қилиб беришни сўрашганида, ўшаларга жавобан нозил бўлгандир. Ихлос сураси қуръоннинг учдан бир қисмига тенг эканлигини баъзи уламолар зоҳирига йўйиб: "Бу сура Қуръон маъноларининг эътибори билан унинг учдан бир қисмига тенг, чунки Қуръон ҳукмлар, хабарлар ва тавҳиддан иборат. Ихлос сураси эса, тавҳид қисмини ўз ичига олган."-деган эканлар. Имом Қуртубий роҳимаҳуллоҳ: "Бу сура барча етуклик сифатларини ўз ичига олган ва унда бошқа сураларда учрамайдиган Оллоҳ таъолонинг икки исми зикр қилинган. Бу иккала исм – (ал Аҳад ва ас Сомад) исмидир, чунки бу икки исм барча етуклик сифатлари билан сифатланган муқаддас Зотнинг яккаю-ягона эканлигига далолат қилади. Бунинг баёни шуки (ал Аҳад) исми Оллоҳ таъолонинг ўзга ҳеч ким иштирок этмайдиган, ўзига хос вужудини билдиради, (ас Сомад) исми эса, барча етуклик сифатларини билдиради. Зеро, Оллоҳ таъоло ҳукмронлик унга бориб тақалган ва талаб-эҳтиёжлар фақат ундангина сўраладиган зотдир. Бу эса, фақат барча етуклик сифатларига эга бўлган, танҳо Оллоҳ таъоло учунгина муқаммал юзага чиқади. Ихлос сураси муқаддас Зотни танишликни ўз ичига олганлиги учун ҳам, шу Зотнинг сифатлари ва (фёъл) сифатларини танишга караганда учдан бир қисм бўлишга арзийди."-деган эканлар. Балки "Биронталарингиз бир кечада Қуръонни учдан бир қисмини ўқишдан ожизми?"-деган ривоятдаги бўлиб ўтган воқеъа кейинги ҳадисда келадиган Қатода ибн Нуъмоннинг қиссасидан бошқа қисса бўлиши мумкин. Аммо " Бир киши бошқа кишини (Қул хуваллоҳу Аҳад)ни такрорлаб ўқиётганини эшитиб қолди... " деган ривоятдаги қори Қатода ибн Нуъмон эдилар, у кишига қулоқ солган киши эса Абу Саъийд ал Худрий

эканлигининг эҳтимоли бор, чунки Абу Саъид Қатоданинг она бир биродари ва унинг қўшниси эди. Тонг отгач келиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга бу воқеани гўёки оз санагандек зикр қилди. Бу улуғ саҳобийнинг оз санагандек зикр қилишидан мақсад амални оз санаш; Ихлос сурасини камситиш эмас эди. Валлоҳу аъламу биссоваб.

Бу сура Оллоҳ таъолони якка-ягона эканлигини баён қилганлиги учун унинг тафсирида бирров тўхталиб ўтамиз. Оллоҳ таъоло Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб: "*Эй Муҳаммад*), айтинг: «У — Оллоҳ Бирдир. *(Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир)*. Оллоҳ *(барча ҳожатлар билан)* кўзлангувчидир *(яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир)*. У туғмаган ва туғилмагандир *(яъни Оллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир)*. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир."-дейди.

وعن عقبه بن عامر رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ألم تر آياتٍ أنزلت هذه الليلة لم ير مثلهن قط؟ قل أعوذ برب الفلق، وقل أعوذ برب الناس. رواه مسلم.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: "Менга ушбу кеча ҳеч мисли кўрилмаган оятлар нозил қилинганини биласанми? Улар (Қул аъувзу бироббил фалак) ва (Қул аъувзу бироббиннас)." - дедилар. *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Азиз ва муҳтарам мусулмонлар! Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ (Саҳиҳ Муслим) шарҳида: " Ушбу (муборак) ҳадисда бу иккала суранинг буюк фазилати баён қилинган ва унда бу иккаласининг Қуръон (суралари)дан эканлигига ва (Қул) сўзи (басмала)дан кейин икка суранинг аввалида собит эканлигига очиқ-ойдин далил бор, ваҳоланки уммат буларнинг барчасига иттифоқ қилган."-деган эканлар. Бу иккала сура Маккада нозил қилинган бўлиб, биринчиси беш оят ва иккинчиси олти оятдан иборатдир. Бу иккала сура «Ал-Муаввизатони», яъни «икки паноҳ бергувчи ва асровчи сура» деб ҳам аталади. Чунки ҳар икки сурада Оллоҳ таоло пайғамбар алайҳис-саломга ва барча мўминларга еру осмондаги барча ёмон нарса ва ҳодисалардан ёлғиз Ўзига илтижо қилиб, паноҳ сўрашларини таълим беради. (Қул аъувзу бироббиннас) сураси, айтиб ўтилганидек, ўзидан аввалги суранинг; яъни (Қул аъувзу бироббил фалак) сурасининг узвий давомидир. Бу сурада жинлар ва инсонлардан бўлган, кишиларни васвасага солиб йўлдан урадиган «шайтон»ларнинг ёмонлигидан ёлғиз Парвардигорга сиғиниб паноҳ сўраш лозимлиги уқтирилади. Бу сураларни Ихлос сураси билан бирга жамлаб, «Ал-Муъаввизат» деб ҳам аталади. Ушбу икки сура ўта катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун уларнинг тафсириларини айтиб ўтишлик мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

Фалақ сурасининг маъноси қўйидагича: "(Эй Муҳаммад), айтинг: «Мен тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман»."

Ан-нас сурасининг маъноси эса қўйидагича: (Эй Муҳаммад), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) Ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Оллоҳнинг номи зикр қилинса) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман». Бу икки сураи ўқиб-ўрганиш, ва фарзандларимизга ўргатиш ва эртаю-кеч уни ўқиб, ўзимиз ва фарзандларимизга дам солиб юришимиз керак. Чунки шайтон ҳар лаҳзада мўмин кишига озор бериш ёки унинг иймонига путур етказишни пойлаб туради.

وعن أبي سعيدٍ الخدري رضي الله عنه قال : كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يتعوذ من الجان، وعين الإنسان، حتى نزلت المعوذتان، فلما نزلتا، أخذ بهما وترك ما سواهما . رواه الترمذي وقال : حديث حسن.

Абу Саъийд ал Худрий ривоят қилиб айтишларича: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам то Муъаввизатайн (яъни Қул аъувзу бироббил фалақ ва Қул аъувзу бироббиннас суралари) нозил бўлгунча жинлар ва инсон кўзидан паноҳ истаб, дуо қилар эдилар. Шу иккала сура нозил бўлгач, иккаласини олиб, бошқаларини тарк қилдилар. (Термизий ривоят қилиб: ҳасан ҳадис деган)

Шарҳ:

Бу ҳадиси шариф ҳар икки сураи ўқиб, паноҳ сўраш бошқа дуоларни ўқиб, паноҳ сўрашдан афзал эканлигига далолат қилади; бошқалари ножоиз эканлигига далолат қилмайди, чунки бошқа дуоларни ўқиб, паноҳ сўраш бир неча ҳадисларда зикр қилинган. Бу икки сура ҳар қандай ёмонликлардан паноҳ иташ маъноларини ўз ичига олганлиги учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккаласи билан кифояландилар.

Ибн Ҳажар роҳимахуллоҳ: "Уламолар руқя қилиш учта шарт билан жоиз бўлишига иттифоқ қилишган.

Биринчиси: Оллоҳ таъолонинг каломи ёки унинг исм ва сифатлари билан бўлиши.

Иккинчиси: араб тилида ёки бошқа маъноси тушунарли тилда бўлиши.

Учинчиси: Руқя ўзи таъсир қилмайди балки, Оллоҳ таъоло таъсир ўтказди деб эътиқод қилиш." –деган эканлар.

Куртубий роҳимаҳуллоҳ: " Руқя уч қисм бўлади.

Биринчиси: Жоҳилиятдаги маъноси тушунарсиз руқя. Бу турдаги руқяда ширк ёки ширкка олиб бориш эҳтимоли бўлганлиги учун ундан четланиш вожиб.

Иккинчиси: Оллоҳнинг каломи ва сифатлари билан қилинадиган руқя, бу турдагиси жоиз. Бордию, ҳадисларда келган руқя бўлса, у билан руқя қилиш мустаҳаб.

Учинчиси: Фаришталар, солиҳ кишилар ва Аршга ўхшаш буюк махлуқотларнинг исмлари билан қилинадиган руқя. Бу турдаги руқялардан четланиш вожиб бўлмаганидек, Оллоҳ таъолога илтижо қилиш ва унинг исмларини табаррук қилишни ўз ичига оладиган машруъ ибодат ҳам эмас, шунинг учун бу каби руқяларни тарк қилиш афзал, лекин руқя қилинаётган нарсаларни улуғлаш мазмунига далолат қилса, худди Оллоҳдан ўзгага қасам ичишга ўхшаш ундан узоқ бўлиш лозим бўлади, "-деган эканлар.

"Муватто"да ривоят қилинишича: Абу Бакр розияллоҳу анҳу Ойша розияллоҳу анҳони руқя қилаётган яҳудий хотинга: "Оллоҳнинг Китоби билан руқя қил." –деган эканлар.

وعن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : من القرآن سورة ثلاثون آيةً شفعت لرجلٍ حتى غفر له، وهي: تبارك الذي بيده الملك.

رواه أبو داود والترمذي وقال: حديث حسن.

وفي رواية أبي داود: تشفع.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: " Оллоҳнинг Китобида ўзи фақат ўттиз оятдан иборат бўлган бир сура ҳам борки, у (ўша сурани ўқиб, амал қилиб юрган) кишини то уни мағфират қилингунча шафоат қилур. У (Таборакаллазий биядиҳил мулк) сурасидир."-деган эканлар.

*(Абу Довуд ва Термизий ривоят қилиб, Термизий ҳасан ҳадис деган )*

Шарҳ:

Ҳадисдаги: " ... у (ўша сурани ўқиб, амал қилиб юрган) кишини то уни мағфират қилингунча шафоат қилур..." жумласи ўтган замонда бўлиб ўтганига ҳам келажақда бўлишига ҳам эҳтимоли бор. Агар ўтган замонда бўлиб ўтган дейилса,( Бир киши бу

сурани ўқиб, уни улуғлаб юрар эди вафот қилгач, ушбу сура уни шафоъат қилди – да, азоб ундан бартараф қилинди) – деган маънода бўлади. Бордию, келажакда бўлади дейилса, (Таборақ сураси уни ўқийдиган кишига қабрда ёки қиёмат кунда шафоъат қилади) - деган маънода бўлади. Ҳадисда зикр қилинган бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, ўттиз оятдан ташкил топгандир. Сура барча оламлар мулки — подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган Оллоҳ таборака ва таъоло беҳад буюк-баракотли зот эканини таъкидлаш билан бошланади. Шу боисдан у «Мулк» сураси деб номлангандир. Айрим манбаъларда уни «Таборақ» сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада Оллоҳ таоло ўлим ва ҳаёт неъматларини нима учун яратгани ҳамда У зот етти қават осмон ва ундаги бор мавжудотни қандай мукаммал ҳикмат-интизом билан бунёд этгани баён қилинган оятлар қаторида охират ҳақида ва у Кунда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда уларнинг чекадиган бефойда афсус-надоматлари тўғрисида хабар берадиган оятлар ҳам мавжуддир. Сўнгра Еру осмондаги Тангри таъолонинг қудрати илоҳийсига далолат қилиб турган турли-туман оят-аломатлар тасвирланади ҳамда кофир ва мўмин ҳақида ибратли мисоллар келтирилиб, барча инсонларни Оллоҳ таоло рози бўладиган Тўғри йўлни тутишга даъват этилади...

Ушбу суранинг фазилатлари баёнида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, улардан бири юқорида ўтган, имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифдир.

وعن أبي مسعودٍ البدرى رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : من قرأ بالآيتين من آخر سورة البقرة في ليلةٍ كفتاه. متفقٌ عليه.

قيل: كفتاه المكروه تلك الليلة، وقيل: كفتاه من قيام الليل.

Абу Масъуд Бадрий розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, иккаласи унга кифоя қилади." – деган эканлар. (*Муттафақун алайҳ*)

Шарҳ:

Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар! Авваламбор ушбу икки оятнинг тафсирини зикр қилиб, сўнг ҳадиснинг маъносига тўхталиб ўтамыз. Оллоҳ таъоло шундай дейди:

آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ. (سورة البقرة: 285)

Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (*ҳам иймон келтирдилар*). Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (*айтди*): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар. (*Бақара:285*)

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ  
 أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ  
 وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ. (سورة البقرة:286)

Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. (*ҳар кимнинг*) қилган (*яҳши*) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (*гуноҳларимизни*) мағфират қил, (*ҳолимизга*) раҳм айла! Ўзинг хожамамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил! (*Бақара:286*)

Нававий роҳимахуллох: "Баъзи уламолар нимадан кифоя қилиши тўғрисида: "Кечаси ўқиладиган "қиёмил лайл" намозидан кифоя қилади. " – дейишган бўлса, баъзилари: "Шайтондан кифоя қилади" – дейишган экан. Яна бошқалар: Офатлардан кифоя қилади" – дейишган экан. Ваҳоланки ҳадис буларнинг барчасига эҳтимоли бор."-дейдилар. Имом Насойй Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадис бу икки оятнинг фазилати нақадар буюк эканига далолат қилади. Жибрийл алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эди, тўсатдан тепаларидан ғирчиллаган овоз эшитдилар. Шунда Жибрийл алайҳиссалом осмонга қараб: "Бу осмондаги олдин сира очилмаган эшикнинг очилган товуши." – дедилар. Ўша эшикдан бир фаришта тушиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келдида: "Дарҳақиқат Сизга берилиб, Сиздан олдинги биронта пайғамбарга берилмаган икки нурнинг хушхабари билан қувонинг. Бу иккаласи Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг охириги оятларидир. Бу иккаласидан қайси бир ҳарфни ўқисангиз албатта у сизга берилади. " – деди. Оллоҳ хоҳласа, Имом Муслим шунга яқин маънода ривоят қилган ҳадисни ҳам зикр қилиб ўтамыз.

وعن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : لا تجعلوا بيوتكم مقابر إن الشيطان ينفر من البيت الذي تقرأ فيه سورة البقرة. رواه مسلم.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Уйларингизни қабристонга айланторманглар, чунки шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади." – деган эканлар. *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Азиз ва мухтарам мусулмон биродарлар! Уйларингизни зикр ва тоатдан холи қилган ҳолда қабристонга ўхшатиб, ўзларингиз ундаги ўликларга ўхшаб қолманглар. Уйларни намоз ўқиш, Оллоҳ таъолони зикр қилиш ва Қуръон тиловат қилиш каби Оллоҳ севадиган амалларни қилиш билан безаш ва Оллоҳни ғазаблантирадиган ишлардан покиза сақлаш ҳар бир мўмин кишининг вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Зеро Шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочиб кетади. Ибн Ҳиббон Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан: "Ким Бақара сурасини кечаси ўқиса, Шайтон унинг уйига уч кеча кирмайди, ким кундузи ўқиса, уч кун кирмайди."-деб ривоят қилган эканлар.

Бақара сураси узунлиги, унда зикр қилинган Оллоҳнинг исмлари ва аҳкомлар кўп бўлганлиги учун ҳам ушбу хусусиятга эга бўлган бўлса керак. (Мирқот)да айтилишича бу сурада мингта бўйрук, мингта наҳй, мингта ҳукм ва мингта хабар бор экан. Бақара сурасининг фазилати ҳақида Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қиёмат куни қуръон ва дунёда унга амал қилган аҳли келтирилади, унинг олдида Бақара ва Оли Имрон сураси ўз соҳибларини мудофаа қилган ҳолда келади."-деган ҳадислари ҳар биримизни ушбу сураларни ўқиб-ўрганиб, имкони бўлса, ёд олиб, унга амал қилишимизга етарли бўлса керак.

وعن أبي بن كعب رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: يا أبا المنذر أتدري أي آية من كتاب الله معك أعظم ؟ قلت: الله لا إله إلا هو الحي القيوم، فضرب في صدري وقال: ليهنك العلم أبا المنذر. رواه مسلم.

Убай ибн Каъб розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Эй Або Мунзир Оллоҳ китобидаги энг буюк оят сизнингча қайси эканини биласизми?—дедилар. Мен: (Аллоҳу ла илаҳа илла хувал Ҳайюл Қойюм) – дедим. Шунда кўкрагимга ўрдиларда: " Эй Або Мунзир илм муборак бўлсин."—дедилар. *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Ҳадисдаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Эй Або Мунзир илм муборак бўлсин."-деган сўзларида Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг фазилатлари ва илмлари кўплигига, олим киши ўз асҳобларини эҳтиром қилиши ва уларни куняларини айтиб чақириши ислом одобларидан эканлигига далил бор. Шунингдек агар фойдаси бўлса, инсонни юзида мақташликлик ҳам жоиз, лекин мақтов сабабли ғурурланиб, тақвosi заиф бўлгани учун талтайиб кетадиган бўлса, мақтамаслик афзал. Қози Иёз роҳимаҳуллоҳ: "Бу ҳадисда Куръонни баъзисини баъзисидан ва Оллоҳнинг бошқа китобларидан афзал дейишлик жоиз эканлигига далил бор."-деганлар. Бу оятнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар жуда кўп бўлиб, жуда сермазмун бўлгани учун унинг тафсирини айтиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Оллоҳ таъоло шундай дейди:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمِّ اَوَاتٍ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ (البقرة: 255)

"Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий турғувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (*бировни*) Унинг изнисиз шафоъат қила олмайди. У уларнинг (*барча одамларнинг*) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. (Яъни Оллоҳ таъоло барча халойиқнинг мозийсида бўлиб ўтган, ҳозир ва келажагида бўладиган нарсаларни ҳаммасини билади. Оллоҳ таъоло Марям сурасида фаришталар ҳақида шундай дейди: " «*Эй Муҳаммад*), биз ёлғиз Парвардигорингизнинг амри фармони билангина нозил бўлурмиз. Олдимиздаги (*охират*) ҳам, ортимиздаги (*дунё*) ҳам, (*дунё ва охират*) ўртасидаги барча иш-амаллар ҳам ёлғиз Уникидир. Парвардигорингиз унутғувчи эмасдир." )

وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ

Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина билдилар. Унинг курсиси осмонлар ва ердан кенгдир. (*Курсини баъзилар "Оллоҳнинг илми" деб тафсир қилишган бўлса, бошқалар "Оллоҳнинг икки қадамини ўрни" деб тафсир қилишган ва бунда шу ҳақида Ибн Аббосдан ривоят қилинган асарга суянишган*)

وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир." (*Бақара: 255*)

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال : وكلي رسول الله صلى الله عليه وسلم بحفظ زكاة رمضان، فأتاني آتٍ، فجعل يحثو من الطعام، فأخذته فقلت : لأرفعنك إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال : إني محتاجٌ، وعلي عيالٌ، وبي حاجةٌ شديدةٌ، فخليت عنه، فأصبحت، فقال رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم : يا أبا هريرة، ما فعل أسيرك البارحة ؟ قلت : يا رسول الله شكاً حاجةً وعيالاً، فرحمته، فخليت سبيله. فقال : أما إنه قد كذبتك ويعود فعرفت أنه سيعود لقول رسول الله صلى الله عليه وسلم فرصدته، فجاء يحثو من الطعام، فقلت : لأرفعنك إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال : دعني فإنني محتاجٌ، وعلي عيالٌ لا أعود، فرحمته فخليت سبيله، فأصبحت فقال لي رسول الله صلى الله عليه وسلم : يا أبا هريرة، ما فعل أسيرك البارحة؟ قلت : يا رسول الله شكاً حاجةً وعيالاً فرحمته، فخليت سبيله، فقال : إنه قد كذبتك وسيعود فرصدته الثالثة . فجاء يحثو من الطعام، فأخذته، فقلت : لأرفعنك إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، وهذا آخر ثلاث مراتٍ أنك ترعم أنك لا تعود، ثم تعود ! فقال : دعني فإنني أعلمك كلماتٍ ينفعك الله بها، قلت : ما هن ؟ قال : إذا أويت إلى فراشك فاقرأ آية الكرسي، فإنه لن يزال عليك من الله حافظٌ، ولا يقربك شيطانٌ حتى تصبح، فخليت سبيله فأصبحت، فقال لي رسول الله صلى الله عليه وسلم : ما فعل أسيرك البارحة ؟ قلت : يا رسول الله زعم أنه يعلمني كلماتٍ ينفعني الله بها، فخليت سبيله. قال : ما هي ؟ قلت : قال لي : إذا أويت إلى فراشك فاقرأ آية الكرسي من أولها حتى تحتم الآية : " الله لا إله إلا هو الحي القيوم " وقال لي : لا يزال عليك من الله حافظٌ، ولن يقربك شيطانٌ حتى تصبح . فقال النبي صلى الله عليه وسلم : أما إنه قد صدقتك وهو كذوبٌ، تعلم من تخاطب منذ ثلاثٍ يا أبا هريرة ؟ قلت : لا، قال : ذاك شيطانٌ. رواه البخاري.

Абу Ҳурайра розияллоху анху дейдилар: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга Рамазон закотини кўриқлашни топширдилар. Шунда бир киши келиб, таомдан ола бошлади. Шунда мен уни тутиб олиб: "Сени Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга олиб бораман."-дедим. У: "Мен муҳтожман, фарзандларим кўп, зарур эҳтиёжим бор."-деди. Уни бўшатиб юбордим. Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Эй Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди?" –дедилар. Мен: "Эй Расулуллоҳ! Фарзандлари ва эҳтиёжи борлигини шикоят қилган эди, унга раҳмим келиб, қўйиб юбордим."-дегандим, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "У сени алдабди, лекин яна қайтиб келади."-дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг гаплари сабабли уни тезда қайтиб келишини билиб, пойлаб турдим. У яна келиб, таомдан ола бошлади. Мен: "Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга олиб бораман."-дедим. У: "Мени қўйиб юбор; фарзандларим кўп, зарур эҳтиёжим бор, қайтиб келмайман."-деди. Яна раҳмим келиб, уни бўшатиб юбордим. Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Эй Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди?" –дедилар. "Эй Расулуллоҳ! Фарзандлари ва эҳтиёжи борлигини шикоят қилган эди, унга раҳмим келиб, қўйиб юбордим."-дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "У сени алдабди, лекин яна қайтиб келади."-дедилар. Шунда уни учинчи марта пойлаб ётдим. У яна келиб, таомдан ола бошлади. Мен: "Сени албатта Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга олиб бораман, уч мартадан буён алдаб: "Қайтиб келмайман."-деб, кейин яна қайтиб келаяпсан."-дедим. У: "Агар мени қўйиб юборсанг, сенга Оллоҳ фойдали қиладиган бир неча калималарни ўргатаман."-деди. Мен: "Улар нима?"- дедим. У: "Тўшагингга ётсанг (оятал курси)ни ўқи шунда сенга Оллоҳ тарафидан асровчи-қўриқчи бўлади ва тонг отгунча сенга шайтон яқинлашмайди." –деди. Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Эй Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди?" –дедилар. Мен: "Эй Расулуллоҳ! Менга Оллоҳ фойдали қиладиган бир неча калималарни ўргатаман."-деб даъво қилган эди, яна қўйиб юбордим."-дедим. "Улар нима?"- дедилар. У менга: " Тўшагингга ётсанг (оятал курси)ни бошидан охиригача ўқи."-деди. Яна: " Сенга Оллоҳ тарафидан асровчи-қўриқчи бўлади ва тонг отгунча сенга шайтон яқинлашмайди." –деди дегандим, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Ўзи ёлгончи бўлатуриб, сенга рост айтибди. Эй Абу Ҳурайра! Уч кундан буён ким билан гаплашаётганингни биласанми?" - дедилар. Мен: "Йўқ"-дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Бу шайтон эди"- дедилар. *(Бухорий ривояти)*

وعن أبي الدرداء رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : من حفظ عشر آياتٍ من أول سورة الكهف، عصم من الدجال وفي رواية: من آخر سورة الكهف. رواهما مسلم.

Абу Дардо розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Ким Каҳф сурасининг аввалидан ўн оят ёдласа, Дажжолдан сақланади."-деган эканлар.

Бошқа ривоятда эса: "...Кахф сурасининг охиридан..." - дедилар. (*Иккала ривоятни ҳам Муслим ривоят қилган*)

Шарх:

Айтилишича бунинг сабаби ушбу суранинг аввалида зикр қилинган ажойиботлар ва муъжизалар экан. Кимда-ким бу оятларни ўқиб, у тўғрисида фикр юритса, Дажжолнинг фитнасига дучор бўлмас экан. Ушбу оятлар тўғрисида фикр юритиш учун эса, уларнинг маъноларидан хабардор бўлиш керак. Оллоҳ таоло бу суранинг бошидаги ўн оятда шундай дейди:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَىٰ عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عِوَجًا . قَيِّمًا لِّيُنذِرَ بَأْسًا شَدِيدًا مِّنْ لَّدُنْهُ وَيُبَشِّرَ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا حَسَنًا . مَا كَثِيرٌ فِيهِ آيَاتٌ . وَيُنذِرَ الَّذِينَ قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا . مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ وَلَا لِآبَائِهِمْ كَبُرَتْ كَلِمَةً تَخْرُجُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ إِنْ يَقُولُونَ إِلَّا كَذِبًا (سورة الكهف: 1-5)

(Барча) ҳамду сано Оллоҳ учундир. У зот (*кофирларни*) Ўз ҳузуридан келадиган қаттиқ азобдан қўрқитиш ва яхши амаллар қиладиган мўминларга ўзлари абадий қоладиган гўзал мукофот — жаннат хушхабарини бериш учун — бандаси (*Муҳаммад алайҳис-солату вас-салом*)га бирон эгрилиги бўлмаган расо Китоб — Қуръонни нозил қилгандир. Шунингдек, У зот ўзларининг ҳам, ота-боболарининг ҳам бирон билим-маърифати бўлмагани холда, «Оллоҳнинг боласи бор», деган кимсаларни (*қаттиқ азобдан*) огоҳлантириш учун (*ушбу Китобни*) нозил қилгандир. Уларнинг оғизларидан чиққан сўз оғир сўздир. Улар фақат ёлгон сўзлайдилар. (*Кахф: 1-5*)

فَاعْلَمْ أَنكَ بِاخْتِيارِكَ عَلَىٰ آثَارِهِمْ إِنْ لَمْ يُؤْمِنُوا بِهَذَا الْحَدِيثِ أَسَفًا . إِنَّا جَعَلْنَا مَا عَلَى الْأَرْضِ زِينَةً لِّهَا لِنَبْلُوهُمْ أَيُّهُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا . وَإِنَّا لَجَاعِلُونَ مَا عَلَيْهَا صَعِيدًا جُرُزًا (سورة الكهف: 6-8)

(Эй Муҳаммад), агар улар ушбу сўзга — Қуръонга иймон келтирмасалар, эҳтимол сиз уларнинг ортидан, афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қилурсиз (*бундоқ қилмоқ сизга нораводир*). Албатта, Биз (*бандаларимиздан*) қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер устидаги бор нарсани унга зийнат — безак қилиб қўйдик (*яъни, ўша безакларга алданиб, мағрурланиб қолмаган кишиларгина Бизнинг синовимиздан ўтурлар*). Ҳеч шак-шубҳасиз, унинг (*Ернинг*) устидаги (*безаклар*)ни сип-силлик, куп-қуруқ қилиб (*йўқ қилиб*) қўйгувчи ҳам Биздирмиз. (*Кахф: 6-8*)

أَمْ حَسِبْتَ أَنَّ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَبًا (سورة الكهف: 9)

Балки сиз Кахф (гор) ва Битик (уларнинг қиссалари битилган тош) эгалари (ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу) Бизнинг (охират, Қиёмат ҳаққи-рост эканлиги тўғрисидаги) оятларимизнинг энг ажойиби, деб ўйлагандирсиз? (Кахф: 9)

И з о ҳ. Муфассирлар ёзишларича, «Асҳобул-Кахф» — «ғор эгалари»нинг қиссаси бундоқ бўлган экан: Ийсо алайҳис-салом замонларидан кейин Рум давлатларидан бирида Дакёнус номли золим шоҳ чиқиб, одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилар, амрига бўйинсунмаган кишиларни эса ўлдирар экан. Кунлардан бирида, унга фуқароларидан бир неча йигит унинг фармонидан бош тортишиб, бутларга сиғинишмаётганини етказибдилар. Подшоҳ уларни саройига чақириб, бу хабарнинг рост-ёлғонлигини сўраганида, улар: «Бизлар ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирон кимса ёки нарсага сиғинмаймиз», деб жавоб қиладилар. Шунда шоҳ уларга: «Сенлар ёш, чиройли, бақувват йигитлар экансанлар, ўз жонларингга жабр қилманглар. Мен сенларни ўлдириб юборишга кўзим қиймаяпти. Яхшиси, эрталабгача ўйлаб кўриб, эртага менга жавобини айтинглар», деб уларга рухсат беради. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, «Оллоҳдан ўзгага бўйинсунгандан кўра шу бадбахт диёрни тарк қилганимиз афзал», дейишиб, тун қоронғусида шаҳарни тарк қилишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётганларида уларга ўша ерлик бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Тонгга яқин бир тоққа етиб боришиб катта ғорга кириб яширинадилар. Эрталаб бу воқеадан хабардор бўлган шоҳ ўз аскарлари билан уларнинг ордидан тушиб, ўша ғор оғзига яқинлашгач, аскарлар унга киргани кўрқадилар. Шунда Дакёнус уларга ғордаги йигитлар очлик ва ташналикдан қирилиб кетишлари учун ғор оғзини беркитиб ташлашни буюради. Лекин Тангри таоло Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлайди — уларни узоқ уйқуга чўмдиради. Уйғонганларида орадан уч юз йил ўтган эди. Бундан беҳабар йигитлар бир ё ярим кун ухладик, деб ўйлайдилар ва ораларидан битталарини яширинча шаҳарга егулик харид қилиб келиш учун жўнатадилар. У йигит бозорга келиб таом сотиб олиб, ёнидаги тангани узатганида, сотувчи ҳайрон бўлиб: «Бу Дакёнусдан қолган тангаку, бирон ердан хазина топиб олдингми?» деб сўрайди. Йигит ҳам ҳайрон бўлиб: «Ҳеч қандай хазина топиб олганим йўқ, бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга», деб жавоб қилиб, Дакёнусга нима бўлганини сўрайди. Бу орада тўпланиб кетган одамлар унинг аллақачон ўлиб кетганини айтишиб, йигитни подшоҳ олдига олиб борадилар. Бу шоҳ мўмин, солиҳ киши эди. Йигитдан ўзи ва ўртоқларининг бошидан кечган воқеаларни эшитгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша ғор оғзига борадилар. Ичкаридаги йигитлар Дакёнус олиб кетгани келди, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сўнги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари ғорга киришиб, уларни ибодат устида кўрадилар ва намозларини тугатганларидан сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан кучоқлашиб кўришиб, уларнинг бошларидан кечган саргузашт Оллоҳ таоло бандаларини Қиёмат Кунда ҳисоб-китоб қилиш учун қайта тирилтириши ҳақ, эканига бир оят — аломат эканлигини айтади. Юқорида мазкур бўлган ва қуйида келадиган оятларда мана шу «Асҳобул-Кахф» хусусида сўз кетади.

إِذْ أَوْى الْفِتْيَةُ إِلَى الْكَهْفِ فَقَالُوا رَبَّنَا آتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهَبِ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا (سورة

الكهف: 10)

Эсланг, ўшанда улар ғорга паноҳ истаб боришиб: «Парвардигоро, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат — марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни ўзинг ўнглагин», дедилар Дажжол-охир замонда чиқиб, аввалига пайғамбарликни, сўнгра худоликни даъво қиладиган кофир кимсадир. У қизил рангли, калта бўйли, қинғир оёғ, жингалак соч, дўнг

пешона, бўйни йўғон, кўзи ғилай, икки кўзининг орасида алифбо ҳарфлари билан "коф, фо, ро" ёки "кофир" деб ёзилган. Бу ёзувни ўқиш-ёзишни биладиган ёки билмайдиган ҳар қандай мўмин ўқий олади. У машриқ тарафидан; аниқроғи Хуросондаги Исфаҳон яҳудларидан чиқиб, Фаришталар кўриқлаб турганлиги учун Маккаю Мадинадан бошқа ҳамма шаҳарларни кезиб чиқади. Дажжолга одамларни фитнаш учун ёмғир ёғдириш, ер ўсимликларини ўстириш каби одатдан ташқари бўлган оят-аломатлар берилар экан. Унинг фитнаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек Одам алайҳис салом яратилганидан то қиёматгача бўладиган фитналарнинг энг каттасидир. Унинг охир замонда чиқишлиги маълум бўлса ҳам, пайғамбарларнинг барчаси Одам фарзандлари ушбу буюк фитнага тайёргарлик кўришликлари учун ўз қавмларини унинг фитнасидан огоҳлантиришган. Шунингдек Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам умматларини унинг фитнасидан огоҳлантирганлар. Бу фитнадан фақат Оллоҳ нажот берган кишиларгина қутулиб қолар экан. Дарҳақиқат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу фитнадан нажот топиш учун ўз умматларига бир неча кўрсатмалар берганлар. Буларнинг баъзиларини кўйида баён қиламиз:

1. Ислом динига амал қилиш ва уни маҳкам тутиш.
2. Оллоҳ таъолодан Дажжол фитнасидан паноҳ беришини сўраш, хусусан намоз ичида. Имом Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: "Биронталарингиз (ташаххуд) ўқиса, тўртта нарсдан Оллоҳ паноҳ бериб асрашини сўраб, дуо қилсин; айтсинки: Аллоҳумма инний аъувзу бика мин азаби жаҳаннам ва мин азабил қобр ва мин фитнатил маҳя вал мамат ва мин шарри фитнатил масийҳид Дажжал."  
Маъноси: Эй Оллоҳ сендан Жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва ўлим фитнасидан ва Масих Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.

3. Каҳф сурасининг боши ёки охиридан ўн оят ёдлаш.
4. Дажжолдан узоқлашиш ва ундан қочиш, чунки ўзини иймони мустаҳкам деб ўйлайдиган баъзи одамлар ҳам унинг олдига борса, уни йўлдан оздириб, ўзига эргаштирар экан.  
Унга жуда кўпчилик эргашади. Эргашганларни жаннатига, инкор қилганларни оловига киргизади. Унинг жаннати одамларга боғ-роғ бўлиб кўринсада, асли олов бўлади. Олови уларга олов бўлиб кўринсада, асли боғ-роғ ва ширин сув бўлади.  
(*Ашротус саъаат, Юсуф Вобил*) Охирги оятларда Оллоҳ таъоло шундай дейди:

أَفَحَسِبَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ يَتَّخِذُوا عِبَادِي مِنْ دُونِي أَوْلِيَاءَ إِنَّا أَعْتَدْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ نُزُلًا (102)  
 قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا (103) الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ  
 يُحْسِنُونَ صُنْعًا (104) أُولَئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَلِقَائِهِ فَحَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فَلَا نُقِيمُ لَهُمْ

يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَرَأَى (105) ذَلِكَ جَزَاؤُهُمْ جَهَنَّمَ بِمَا كَفَرُوا وَاتَّخَذُوا آيَاتِي وَرُسُلِي هُزُؤًا (سورة الكهف: 102-106)

" Ёки кофир бўлган кимсалар, Мени кўйиб, бандаларимни дўст тутишни (*Ўзим яратган фаришталар ёки Йисо каби пайғамбарни илоҳ деб сизинишни*) ўйладиларми?! Шак-шубҳасиз, Биз жаҳаннамни кофирлар тушадиган жой қилиб кўйгандирмиз. (*Эй Муҳаммад*), айтинг: «Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! Улар (*кофир бўлганлари сабабли*) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетгану, аммо (*нодонликлари сабабли*) ўзларини чиройли — яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!» Улар Парвардигорларининг оятларини ва У зотга рўбарў бўлишни инкор қилишиб, бутун иш-амаллари беҳуда кетган кимсалардир. Бас, Биз Қиёмат Кунида улар (*қилиб ўтган амаллар*) учун ҳеч қандай кадр-қиймат бермасмиз! Кофир бўлганлари ҳамда Менинг оятларимни ва пайғамбарларимни масҳара қилганлари сабабли, уларнинг жазолари ўша жаҳаннамдир! (*Каҳф: 102-106*)

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا . خَالِدِينَ فِيهَا لَا يَبْغُونَ عَنْهَا حِوَلًا (سورة الكهف: 107-108)

Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун фирдавс боғлари манзил бўлур. Улар, у жойларда мангу қолар эканлар, (*бошиқа бирон жойга*) кўчишни истамаслар. (*Каҳф: 107-108*)

قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مِدَادًا لِكَلِمَاتِ رَبِّي لَنَفِدَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَنْ تَنْفَدَ كَلِمَاتُ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا (سورة الكهف: 109)

Айтинг: «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (*яъни, илму ҳикматларини битиши*) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!» (*Каҳф: 109*)

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌ وَاحِدٌ فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا (سورة الكهف: 110)

(*Эй Муҳаммад, уларга*) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўкки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас,

ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин.)" (Каҳф: 110)

وعن ابن عباس رضي الله عنهما قال : بينما جبريل عليه السلام قاعدًا عند النبي صلى الله عليه وسلم سمع نقيضاً من فوقه، فرفع رأسه فقال : هذا بلبٌ من السماء فتح اليوم، ولم يفتح قط إلا اليوم، فتزل منه ملكٌ فقال : هذا ملكٌ نزل إلى الأرض لم يتزل قط إلا اليوم، فسلم وقال : أبشر بنورين أوتيتهما، لم يؤتهما نبيٌ قبلك: فاتحة الكتاب، وخواتيم سورة البقرة، لن تقرأ بحرفٍ منها إلا أعطيته. رواه مسلم.

النقيض الصوت.

Ибн Аббос розияллоху анҳума ривоят қилишларича: Жибрийл алайҳиссалом Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларида ўтирган пайтда тепаларидан ғирчиллаган овоз эшитдилар. Шунда Жибрийл алайҳиссалом бошларини кўтариб: "Бу бугун осмондан очилган эшик; бундан олдин сира очилмаган."–дедилар. Ўша эшикдан бир фаришта тушди. Жибрийл алайҳиссалом: "Бу-ерга илк бора тушиб келган фаришта."–дедилар. Тушгач, салом бердида: "Дарҳақиқат Сизга берилиб, Сиздан олдинги биронта пайғамбарга берилмаган икки нурнинг хушхабари билан қувонинг. Бу иккаласи Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг охирги оятларидир. Бу иккаласидан қайси бир ҳарфни ўқисангиз албатта у сизга берилади. " –деди.(Муслим ривояти)

Шарҳ:

Оллоҳ таъолога беадад ҳамду-санолар бўлсинки, Фотиҳа ва Бақара сурасининг охирги оятлари фазилати ва уларнинг тафсилларини юқорида ўз ўринларида батафсил зикр қилинди.

## ﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

باب في الحث على سور وآيات مخصوصة

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين